

Хизмат кўрсатиш соҳасига 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратилади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб, охирги пайтда юртимизда бу касалликка чалингандар сони ошгани, энг ёмони, аҳоли ўртасида ҳам кўплаб рўй берадиганига эътибор қаратди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида сўнгги икки ҳафтада касалланган 551 нафар фуқародан 482 таси айнан аҳоли орасидан аниқланган. 57 ҳолатда вирусни юқтириш манбай номаълум қолаётгани афсусланаарли. Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ҳам шундай хавотирли ҳолат қузатилмоқда.

– Буларнинг барчаси коронавирус билан боғлиқ вазият тобора мураккаб тус олаётганини кўрсатиб турибди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бугун пандемияга қарши курашишда хушёрлик ва масъулиятни ўн карра оширадиган янги босқич бошланмокда, десак тўғри бўлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт. Ҳар бир ишимизни эҳтиёткорлик билан, оқибатини пухта ўйлаб, нафақат ўзимиз, балки оиласиз ва фарзандларимиз олдидағи масъулиятни чукур ҳис этиб бажаришимиз керак. Акс ҳолда, барча саъй-харакатларимиз йўққа чиқиши ҳеч гап эмас. Ишончим комил, анча билим ва тажриба орттирган, бағрикенг ва матонатли халқимиз бу босқичдан ҳам, албатта, муносиб ўтади.

Республика маҳсус комиссиясига ўз фаолиятини қайта бошлаётган корхона ва ташкилотлар, бозор ва савдо мажмуаларида дезинфекция ишлари ҳамда санитария назоратини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ва меҳнат жамоалари орасида тушунтириш ишларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Аҳолига хизмат кўрсатадиган, улар билан бевосита мулоқотда бўладиган барча муассасалар ходимларини коронавирус бўйича мунтазам тестдан ўтказиш мухимлиги таъкидланди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради.

Йиғилишда соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Жойларда майший

ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайннерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектлари камлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари яратиш бўйича жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкин.

Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида ахборот технологиялари соҳасида йилига 50 минг доллар экспорт қиласиган ва Top Talent рейтингининг энг юқори 3 фоизига кирадиган 21 та ёш фрилансер дастурчи бор.

Давлатимиз раҳбари шундай иқтидорли ёшларни қўллаб-куватлаш, аҳолининг замонавий хизматларни ўрганишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарига ҳокимлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳар кесимида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Шу билан бирга, тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмайди. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилади ва кредит ставкаси 15 фоиздан ошмайди.

Худудлар раҳбарлари бу имкониятдан самарали фойдаланиб, хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш жойи яратадиган ва тез амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириши зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу йилги битирувчilarни ўқиш ва ишга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда 451 мингдан зиёд ёшлар мактабларни ва 188 минг нафари коллежларни тамомлади. Бу йил қабул қамрови кенгайгани натижасида уларнинг 103 минг нафари олий таълим муассасаларига ва 90 мингтаси коллеж-техникумларга ўқишга кирганда ҳам, бошқаларининг бандлигини таъминлаш зарур. Шунингдек, 71 минг нафар талаба олий ўқув юртларини битирди.

– Қайси ҳоким бу масалада бош қотириб, битирувчilar билан шахсан учрашди? Ёш ўғил қизларимиз эртага қаерга ва кимга иш сўраб мурожаат қиласи? Ҳудудда улар учун иш ўринлари захираси шакллантирилганми? – дея саволлар қўйди давлатимиз раҳбари.

Масалан, Сурхондарё вилоятида қарийб 2 минг нафар талаба педагогика йўналишларини битирмоқда. Айни пайтда Сариосиё, Олтинсой ва Узун туманларидаги қишлоқ мактабларида ўқитувчилар етишмайди. Вилоят ҳокими ва сектор раҳбарлари шу битирувчилар билан учрашиб, уларни ишга йўналтиришга ёрдам бериши кераклиги таъкидланди. Бош вазир ўринbosарларига олис ҳудудларга ишга борадиган ёш мутахассисларни рағбатлантириш, улар учун бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ажратиш тизимини жорий этиш бўйича топшириқ берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Қорақалпогистон Республикаси ва барча вилоятларда "Ишга марҳамат" мономарказлари ташкил этиш, ёшларни касбга ва тадбиркорлик асосларига ўргатиш масканлари ҳамда маҳалла гузарларида ўқув курслари очиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, 8 июнь куни Ўзбекистон Президентининг "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғуланиши мумкин бўлган фаолият турлари 24 тадан 67 тага оширилиб, рухсат олиш талаблари ва солик тўловлари деярли бекор қилинди. Бу бандликни таъминлаш борасида катта ресурс экани таъкидлаб ўтилди.

Марказий банкка ўзини ўзи банд қилган шахслар учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 300 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш, Молия вазирлигига тадбиркорликни бошлаётган ишсиз фуқарога 3 ой мобайнида бино-иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия бериш тизимини жорий этиш бўйича топшириклар берилди.

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб иш жойлари ташкил этилади.

Бунинг учун ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли экани қайд этилди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўйтонлиқда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкин.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Халқ орасида уларни билмайдиганлар, кўрмаганлар ҳали кўп.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутлари очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш,

тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига сайёҳлар борадиган барча обьектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шоҳобчаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш юклатилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринbosарлари, соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар ҳисобот берди.

Йиғилишда тегишли раҳбарлар жам бўлганидан фойдаланиб, ғалла ҳосили ўрим-йигимига ҳам тўхталиб ўтилди.

Баҳор ойларида ёғингарчилик яхши бўлгани, пандемия шароитига қарамай моддий-техника ресурслари, минерал ўғитлар қўшимчаси билан етказиб берилгани учун мўл ҳосил этиштирилгани қайд этилди.

Ўрим-йигимни ҳар йилгига нисбатан эртароқ якунлаш учун барча имкониятлар борлиги, бунинг учун ишни тўғри ташкил қилиб, ҳосилни қисқа муддатда уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ғалла ўрилган майдонларни пешмапеш шудгорлаб, такрорий экинлар экиш бўйича топшириклар берилди.

[ЎзА](#)